


НЕМИС МУМТОЗ ФАЛСАФАСИДА “МИЛЛАТ” ТУШУНЧАСИ

Н.Я. Алимухамевова -
«ТИҚХММУ» МТУ
фалсафа фанлари бўйича (PhD)

 <https://doi.org/10.24412/2181-7294-2023-2-107-111>

“Миллат” тушунчаси фалсафа тарихида хилма-хил талқинларга эга. Хусусан, Европада унга эътибор кучайиши миллатлар ва миллий давлатларнинг шаклланиши даврига, кейин эса мустамлака мамлакатларида миллий озодлик курашларининг кучайиши билан боғлиқ замонларга бориб тақалади.

“Этнос”, “миллат” ва “миллатчилик” ҳодисаларини ўрганиш модерн даври – инқилоблар, Европа миллатлар ва миллий давлатларнинг шаклланиши даврига, кейин эса мустамлака мамлакатларида миллий озодлик курашларининг кучайиши бориб тақалади. Ж.Ж.Руссо ўзининг машҳур “Ижтимоий шартнома тўғрисида” асарида: “Халқни шакллантиришдек масъулиятни ўз бўйнига олган инсон, аввало инсон табиатини моҳиятан ўзгартира олишига ишониши даркор, ҳар бири алоҳида ва мукамал индивидларни бир бутунга бирлаштириб, ундан улканроқ бутуннинг қисмига айлантириши лозимки, токи бу бирлик индивидга ҳаёт ва унинг борлигини инъом эцин..... Инсондан ўз кучини олиб, унга бегона бўлган ва ўзгаларсиз ишлата олмайдиган кучни бера олиш керак”[1]. Демак, инсон мустақиллиги эвазига фақат жамият унга бера оладиган имтиёзларни олиши, миллат ва миллий манфаатлар, ҳамжихатликда жамоа эркинлигини кўлга киритиши, халқлар ўз тақдирини ўзи белгилагандагина миллат иродаси амалга ошиши мумкин, айнан шу аснода тузилган ижтимоий шартнома миллий тотувлик, миллий ирода ва миллий бирликка олиб келади. Француз инқилоби, аввалги ижтимоий, этник идентиклик моделларини инқилобий равишда рад этди ва биринчи марта кун тартибига тенглик ғоясининг ташувчиси бўлмиш фуқароларни сиёсий ва маданий жиҳатдан бирлаштириш мақсадини қўйди. Эркин ва тенг ҳуқуқли фуқаролар миллатни ташкил этди. Жаҳон тарихи саҳнасида “миллий давлатлар” ва “миллатлар” пайдо бўлиши, ўзига хос сифат сакраши бўлиб, “миллат” томонидан аввалги “этник тарих” нинг диалектик “инкор этилиши” эди. Шу вақтдан бошлаб миллат давлатчилигининг ижтимоий асосини ташкил қила бошлади.

Миллатнинг келиб чиқиши ва моҳиятига “этник” ёки объектив ёндашувнинг шаклланиши Европа демократияси шаклланишининг исёнкор даврига жуда мос бўлган “халқ руҳи” тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, И.Г.Гердер, Г.Гегель, И.Г.Фихте каби машҳур немис олимларининг таълимотлари – миллатнинг дастлабки назарияларини яратиш учун мезон бўлган, десак муболаға бўлмайди. Ижтимоий-тарихий нуқтаи назардан бундай таълимотларни яратилишини модерн даврининг асосий ғоялари, авваламбор, Европа замонавий миллий давлатчилиги ғоясини тўлиқ концепциялаштириш сифатида қабул қилиш мумкин.

Миллат тарифига “немислар” ёндашуви немис файласуфи Иоганн Готфрид Гердер ва немис романтиклари асарларида ўз ифодасини топган. Гердер фикрича миллатлар умумий келиб чиқиши бир, умумий маданиятга эга бўлган инсонларнинг табиий уюшмаси бўлиб, “миллий руҳият”ни ўзида акс эттиради ва “қон ва замин”[2]. бирлиги асосида вужудга келади. Файласуф миллатнинг ўзига хос дунёқараши, маданий қадриятларнинг мавжудлиги ва уларнинг аҳамиятига катта эътибор беради. Яъни миллатларнинг келиб чиқиши табиий-тарихий шаклланиш натижаси эканлиги ва шунинг учун объектив ижтимоий ҳодиса сифатида мавжудлиги таъкидланади. И.Г.Гердер биринчилардан бўлиб “халқ руҳи” назариясини тизимлаштирди ва миллатни сиёсий уюшма сифатида талқин қилинишига қарши ўлароқ миллатни ноёб маданий хусусиятлар тимсоли сифатида тушунтирди.

Халқларнинг ўзига хос ижтимоий муҳит ва тарихий тараққиёт таъсирида шаклланган маданий ва лингвистик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлаган. “Бу, - таъкидлайди И.Г.Гердер, “Volk” (халқ) – одамлар уюшмаси тушунчасини тақдим этди, унга хос умумий тил ва тарихий анъаналар ўз аъзоларининг ақлий жараёнларини шакллантиради ва уларни ривожланиши учун муҳим ресурс бўлиб хизмат қилади”[3]. Олим учун миллатлар табиий ва абадий мавжудир. Миллатлар авваламбор одамларнинг маданий ҳамжамиятидир ва халқ руҳи фольклор, миллий урф-одатлар ва анъаналар орқали ўзини намоён қилади. Демак, романтик зиёлилар учун, миллат “халқ руҳини” ифодалайди, этник маданият ва келиб чиқиши умумийлигига асосланади. Немислар учун тил миллатнинг моҳияти бўлса, француз инқилобчилари учун эса тил миллий бирликка эришиш воситаси бўлган.

Германия ўз даврининг илғор мамлакатлари – феодал-абсолютик тузим асосларини бузган, буржуа инқилобини амалга оширган Англия ва Франциядан сиёсий ва иқтисодий тараққиётда орқада бўлсада, маънавий ривожланиш нуқтаи назаридан умуман олганда улар билан бир қаторда эди.

Шунинг учун ҳам К.Маркс ўз даврида И.Кант фалсафасини “француз инқилобининг немисча назарияси” деб атаган эди[4]. Иммануил Кант халқлар, умуминсоний тараққиёт масалаларида универсализм ва космополитизм ғояларини илгари сурган, у на ирқчи ва на миллий-ватанпарвар бўлган, балки доимо ирқларнинг умумий келиб чиқиши тамойилини ҳимоя қилган эди[5]. У ўзининг “Тўзаллик ва улуғворликни ҳис қилиш бўйича кузатувлар”(1764) ва “Антропология прагматик нуқтаи назардан” (1798) асарларида европалик ва бошқа бир қатор халқларнинг миллий характерини тасвирлар экан, ер юзидаги энг маданиятли халқлар қаторига инглиз ва французларни қўшади, ҳеч қаерда ўз ватандошларини кўқларга кўтармайди ва буни ажойиб сўзлар билан тушинтиради: “Шубҳасиз, бу таснифда немис халқи ҳақида ҳеч қандай гап бўлмайди, чунки бу ўзи немис бўлган муаллифга мақтов, яъни ўзини мақташ бўлар эди” [6]. И.Кант немис халқига ҳалоллик, ғамхўрлик хос, лекин “барча маданий халқлар орасида немис халқи ўзини бошқарадиган ҳукуматга энг осон ва энг узоқ вақт бўйсунди, ўзгаришлар ва мавжуд тартибга қарши чиқиш истагидан узоқдир”, деб таърифлайди. Файласуф ушбу асарларида маданиясиз деб билган халқларнинг, хусусан ҳиндулар – Шимолий Америкадаги аборигенларнинг миллий характерининг ўзига хос хусусиятларини юқори баҳолайди. “Кантдан кейин том маънода немис фалсафаси даври бошланади. Кант бу маънода немис файласуфи эмас. Унинг даврида ҳали “миллат” тушунчаси ҳам, миллатчи-файласуфлар ҳам, яъни ғояларининг барабан садоари остида ўз халқини олдинга, ҳаракатга чорловчи мафкурачилар йўқ эди”[7]. Демак, И.Кант замонавий космополитизм ғоясининг бошловчиларидан бири десак муболаға бўлмайди, чунки айнан у инсоният манфаатларини миллат ёки давлат манфаатларидан устун қўйган ва ўзининг “Умумжаҳон-фуқаролик режасида умуминсоний тарих ғояси” (1784) асарида, келажакда барча халқларнинг манфаатлари эркин фикр ва билим алмашишга қаратилишини, душманлик ўрнини “умумий меҳмондўстлик” эгаллашини таъкидлаган ва айнан шу таъкидлар асрлар оша ҳақиқатга айлангани кишини ажаблантиради. И.Кантнинг энг яқин издошлари – И.Фихте ва Г.Гегель универсализм-космополитизмдан воз кечиб, қарашларини миллий-ватанпарварлик йўналишига ўзгартирган, миллий масалаларга оид мавзулар улар асарларида ўзгача тарзда кўриб чиқилади. Шу ўринда Гегельнинг фалсафа – “тафаккурда анланган замонавий давр” иборасини эслаш жоиз, чунки айнан “замонавий” даврни ўзи тубдан ўзгарган эди. XIX аср бошларидаги Наполеон уруши ижтимоий-сиёсий масалалар, шу жумладан миллий масалаларни ҳал қилишда кескин бурилишларга олиб келган, парчаланган полиэтник мамлакатда немис миллати ва “миллатчилик” шакллана бошлаган эди. Пруссия 1806-1807 йилларда Наполеон урушида мағлубиятга учраганидан сўнг, миллатчилик немис буржуазиясининг шиорига айланади ва асосан француз инқилобининг либерал ғояларига, “жаҳон фуқаролиги”, яъни космополитизм ғояларига қарши қаратилади. Худди шу объектив

жараёнларни инъикоси бўлмиш фалсафада – “тафаккурда анланган замонавий давр”да ҳам туб ўзгаришлар рўй берди.

Европа халқларининг ҳукмронлик учун кураши авжига чиққан бир даврда, ўзи яратган давлат ва ижтимоий тузимнинг янги тамойилларини универсал деб билиб, Европанинг барча халқларига “эркинлик, тенглик ва биродарлик” ғояларини тарқатиш учун ҳужумкор уруш бошлаган Францияни дастлаб олқишлаган Европа жамоатчилик фикрида вақт ўтиши билан салбий муносабат овозлари кучая бошлади ва айнан шу йилларда фалсафий таълимоти камол топган Фихте ҳам бундан мустасно эмас эди. XIX асрда ва XX асрнинг биринчи ярмида Германия жамоатчилик фикри нуқтаи назаридан И.Г.Фихте миллий ўзликни англашнинг устунларидан бири[8], миллий ғоянинг асосчиси ва миллий давлат мафкурачиси эди. И.Г.Фихтенинг Германияни Наполеон оккупацияси даврида, немис халқидан сиёсий, маъмурий, маданий ва ҳаттоки тил мустақиллиги зўрлик билан тортиб олинган шароитга бўлган муносабати сифатида ёзилган ва нашр этилган “Немис халқига нутқлар” (1807–1808) асари хорижий ҳукмронлик остида қолган миллатнинг тикланиши ва мустақиллигини қўлга киритиш шартларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, немисларнинг ўзига хос миллий манифести ҳисобланган. Бироқ, файласуфнинг ўз халқининг маданий миссияси ҳақидаги баландпарвоз ва қизғин фикрлари кейинчалик улардан радикал миллатчилар фойдаланишига олиб келган, деган фикрлар мавжуд. Дарҳақиқат И.Фихте немисларнинг жаҳон тарихидаги оламшумул ролини ва шу руҳдаги бошқа ғояларни илгари сурган эди. Аслида, файласуфнинг халқига йўллаган алангали гаплари, душман босқини остида қолган юртини озодликка, миллий тикланишга чақирғи эди. И.Фихте миллий бирлик, миллат мақсадлари ва манфаатларини худбинликдан холи чуқур ахлоқийлик асосида англаш зарурлигини эътироф этар экан, ёшларнинг маънавий (ахлоқий ва диний) тарбиясига алоҳида катта эътибор беради. Барча инсонлар айнан мана шу маънавий ва ахлоқий маънода ягона халқ сифатида ўзини англаши муҳимдир. Файласуф учун миллат (“немислик”) тушунчасининг ўзи этник ёки сиёсий, ва на “немис қони” билан боғлиқ эмас, балки “тирик илк маънавият” [9] билан боғлиқ дунёқараш мақомига эга бўлиб, миллат шаклланишида миллий ўзликни англаш, маънавият, тил ва ахлоқийликнинг беқиёс аҳамиятини кўрсатиб берган. Фихте немисларнинг алоҳида мавқега эга эканлигини эътироф этар экан, миллий индивидуаллик соф немис тилида акс этади ва немис тили - бу соф, ҳақиқий тил, бу унинг ҳақиқий маданият учун асос бўлишига имкон беради, деб тилнинг маданият шаклланишининг асоси сифатида кўрсатади.

Немис классик фалсафасининг намояндalarидан бири Георг Вильгельм Фридрих Гегель ижодида кўпинча “халқ” тушунчасидан фойдаланади ва “миллат” тушунчасини фуқаролик жамияти ҳолати билан боғлайди. “Оиланинг кенгайиши, унинг бошқа принципга ўтиши, оиланинг тинчгина кенгайиб бориши натижасида халқ – миллатга айланди – умумий табиий келиб чиқиши ёки ҳукмрон куч орқали тарқоқ оилавий жамоаларнинг бирлашуви ёки эҳтиёжларнинг яқинлиги ва уларни қондиришдаги ҳамкорлик туфайли вужудга келган ихтиёрий уюшма” [10], деб таърифлайди.

Гегель томонидан миллатнинг рефлексив таърифи асослари қўйилган, ушбу ижтимоий ҳодисанинг моҳиятининг очилиши кетма-кетлигини тақдим этган: оила - халқ - давлат. У “халқ руҳи” тушунчасида мутлақ руҳнинг ўзига хос мужассамлигини назарда тутди. Шунинг учун Гегельда миллий руҳ Мутлақ Руҳнинг маданий ва тарихий проекциясидир ва ўзаро тўқнашувга киришган миллий руҳлар диалектик равишда тарихни ҳаракатга келтиради. “Ўзида ва ўзи учун – руҳ, - деб ёзган Г.Гегель, - табиатнинг оддий натижаси эмас, ўз ўзининг натижаси: ўзи ўзини ўзи учун яратган асослардан ҳосил қилади”. Миллий руҳнинг амалдаги ифодаси халқдир. Давлат – бу маълум бир халқни бошқарув ташкилоти бўлиб, миллий руҳнинг ўзига хослигини объектив ифодаси ҳисобланади. Гегель учун миллийлик – бу Руҳнинг намоён бўлишидир: “Бундай прогрессив ҳаракат индивидуал тафаккурга хос эмас, яқка онгда мужассам эмас, балки бутун дунё тарихида ўзининг турли шакллари бойлигида мужассам бўлмиш универсал руҳ сифатида намоён бўлади, айнан ушбу халқ ва айнан ушбу

даврда айнан шу шаклни ифода этади, ва айнан ушбу шакл чегарасида халқ ўз дунёсини куради ва фаровонлигини оширади”[11].

Гегельнинг миллат ҳақидаги концепцияси давлат тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ, чунки замонавий давлат, аввало, миллий давлатдир. Сиёсатчи олим Ш.Авиньери Гегельга миллатчиликнинг маданий-романтик версияси хос эмаслигини таъкидлайди, аммо эстатистик миллатчилиги, яъни миллатлар шаклланишида сиёсат, миллий давлатчиликни шаклланишининг асосий омили сифатида кўрсатилганлиги ҳақида гапириш мумкин: “Агар биринчи ҳодиса Гегельга бутунлай бегона бўлган бўлса, иккинчисига нисбатан “сиёсий” ёки тўғрироғи, эстатистик жиҳат, Гегельнинг ҳиссаси бўлиб, ва шубҳасиз, унинг фалсафасида сиёсий соҳалар устунлик қилади”[12].

Пруссия монархиясини мутлақ идеал ва тарихий тараққиёт тожи деб билган файласуф, моҳияти озодликни англашга эришиш бўлган жаҳон тарихини даврлаштирар экан, тарихнинг ҳар бир босқичида маълум бир “халқ руҳи” мужассамдир, дейди. Гегельнинг ҳақиқий тарих концепцияси халқ руҳларининг ривожланишини англатади. Жаҳон тарихи, файласуф фикрига кўра, онгдаги озодлик тараққиётини англатади ва озодлик ўз ифодасини фақат Герман халқларида топди, улар умумий фуқаролик ва сиёсий озодликка эришдилар. Гегель Шарқнинг қадимги мамлакатларида эркинлик бўлмаган, чунки Шарқ халқлари инсоннинг озодлигини англашмаган, улар фақат ҳукмдоргина озод эканлигига амин эдилар, деб таъкидлар экан, ўзининг европапарастлик ва шовенистик позициясини намоён қилади. Гегель XIX аср Ғарбий Европа империя сиёсатининг мафкурачиси сифатида, мустамлака сиёсатининг мафкуравий асосларини яратиш, мустаҳкамлаш, мустамлака ҳудудларига ёт бўлган сиёсат, маърифат ва маданиятни олиб кириб, сингдириш йўлида хизмат қилган ва ўз ижодида мустамлакадаги халқларнинг тафаккур тарзини истило мақсадида ўрганилишига асос солган.

Миллий ривожланиш йўлида бораётган мамлакатлар учун, интеграция жараёнлари жадаллашиб бораётган шароитларда, миллий дунёқараш, миллий кадриятларга собитлик, айниқса ёшларнинг миллий маънавий заифлашувига йўл қўймаслик масаласи долзабдир. Миллат ва миллий давлатчилик ривожини нуқтаи назаридан миллатнинг шаклланиши, миллий ғоя ва миллий идетификация жараёнини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. РуссоЖ.Ж., Об общественном договоре,или принципы политического права//https://www.civisbook.ru/files/File/Russo_O_dogovore.pdf
2. Гердер И. Идеи к философии истории человечества. – М., 1977. С. 124, 206.
3. Коул М. Культурно-историческая психология: наука будущего. – М.: Когито-центр, 1977. 37-стр.
4. К.Маркснинг ушбу фикрининг маъноси ва пайдо бўлган тарихий контекст ҳақидақаранг: Соловьёв Э.Ю. Кант: взаимодополнительность морали и права. М., 1992. С. 31-45.
5. Муминов А.Г. Национальная политика независимого Узбекистана и пути ее реализации в духовно-культурной сфере (теория и практика) Автореф. дисс... докт. полит. наук, 1999.
6. Т.Г.Румянцева. Немецкий идеализм: от космополитизма И. Канта к национал-патриотизму И. Фихте и Г. Гегеля. /Социология. 2016. № 4. С. 47–51
7. Кант И. Антропология с прагматической точки зрения // Кант И. Сочинения : в 6 т. М., 1966. Т. . С. 563
8. Мамардашвили М. К. Кантианские вариации // Квинтэссенция : филос. альм. / под ред. В. И. Мудрагея. М., 1992. С. 121.
9. А. А. Иваненко. Речи к немецкой нации спустя 200 лет.//Вступительная статья к книге//Санкт-Петербург. наука. 2009. С. 5.

10. Т.Г.Румянцева. Немецкий идеализм: от космополитизма И. Канта к национал-патриотизму И. Фихте и Г. Гегеля. /Социология. 2016. № 4. С. 50.
11. Гегель, Г. В. Ф. Философия права / Г. В. Ф. Гегель. М. : Мысль, 1990. С. 227.
12. Гегель, Г. В. Ф. Лекции по истории философии: в 3 кн. / Г. В. Ф. Гегель. СПб: С. 95
13. Avineri, Sh. Hegel and Nationalism / Sh. Avineri // Review of Politics. 1962. № 4. P 484
14. Алимухамедова Н.Я. Этномиллий концепцияларнинг таҳлил этишда анъанавий ёндашувлар // “ЎзМУ хабарлари”. № 1/2/1 – Тошкент: 2022. 75-78 бетлар.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада “миллат”, “этнос”, “миллий идентификация” тушунчаларининг фалсафий маъносига ойдинлик киритиш муҳимлиги, “миллат” ҳодисасининг шаклланишини ўрганишдаги “немис” ёндашуви кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, миллат, миллий юксалиш, миллий идентификация, идентиклик, этник маданият.

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматривается “немецкий” подход к изучению формирования феномена “нация”, в контексте важности уточнения философского смысла понятий “нация”, “этнос”, “национальная идентичность”.

Ключевые слова: глобализация, нация, национальный прогресс, идентификация, идентичность, национальная идентичность, этническая культура.

RESUME:

The article examines the importance of clarifying the philosophical meaning of the concepts of "nation", "ethnos", "national identity".

Key words: globalization, nation, national pride, national identity, identity, ethnic culture.